

ҚУРИЛИШ МЕЪЁРЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ

---

ТОШ ВА ЎЗАКТОШЛИ  
ҚУРИЛМАЛАР

ҚМҚ 2.03.07 - 98

РАСМИЙ НАШР  
(ЎЗБЕКЧА-РУСЧА)

---

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ  
АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚУМИТАСИ

Тошкент 1998

КМК 2.03.07-98 ТОШ ВА ЎЗАКТОШЛИ ҚУРИЛМАЛАР.  
(Давархитектқурилишқўм ЎзР.) Тошкент ш., 1998. 106 бет.

ИШЛАБ ЧИКИЛГАН: Х. Асомов номли ЎзЛИТТИ АЖ.  
(техника фанлари номзодлари Ю.А. Гамбург, С.Т. Узлов - мавзу раҳбари)

Х. Асомов номли ЎзЛИТТИ АЖ томонидан ТАКДИМ ЭТИЛГАН.

МУҲАРРИРЛАР: Ф.Ф. Бакирхонов (Давархитектқурилишқўм), А.М. Комилов,  
С.А. Ходжаев, Ю.А. Гамбург, С.Т. Узлов(Х. Асомов номли ЎзЛИТТИ АЖ.).

Лойиҳа ишлари бошқармаси томонидан ТАСДИҚЛАШГА ТАЙЁРЛАНГАН  
(Д.А. Аҳмедов), ЎзР Давлатархитектқурилишқўм фан бошқармаси

КМК 2.03.07-98 "Тош ва узактошли қурилмалар" кучга киритилиши билан.  
Ўзбекистон Республикаси ҳудудида СНиП II-22-81 уз кучини йўқотиши.

Таржимон Ибрагимов А. Х. (ЎзЛИТТИ АЖ)

Мазкур ҳужжат расмий нашр сифатида Ўзбекистон Республикаси Давархитектқу-  
рилишқўмининг руҳсатисиз тула ёки қисман чоп қилиниши, купайтирилиши ва  
тарқатилиши мумкин эмас.

Босмага руҳсат этилди 29.06.92

Бичими 60x84/8 босма тобоғи 175

Алади 1000 Нусха. Буюртма № 224

Баҳоси келишилган нарҳда

М. Ҷ. Ж. "саодат РИА" босмаҳонаси

Тошкент, Ш. Рашидов кўчаси

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси (Давархитектгўқурилишқўм)	Қурилиш меъёрлари ва қондалари	КМК 2.03.07-98
	Тош ва узактошли қурилмалар	СНиП 11-22-81 уринга

## 1 УМУМҲЙ ХОЛАТЛАР

1.1 Янги ва қайта тикланадиган бино ва иншоотларнинг тош ва узактошли қурилмаларини лойиҳалашда ушбу бобнинг меъерларига амал қилиниши керак.

1.2 Тош ва узактошли қурилмаларни лойиҳалашда қуйидаги конструктив ечим, маҳсулот ва ашеларни қўллаш лозим:

а) ташқи деворларни: ичи ғовак сопол ва бетон тош ва ғишт; ясси (плита) иситгичли ёки ғовакли тулдиргичли енгиллаштирилган ғишт девор; ғовакли тулдиргичларда қилинган бетондан ясалган яхлит тош ва блок, ғовакланган ва серғовак бетондан. Лой ёки силикатдан ясалган тулик яхлит ғишти ташқи деворни, қурук ва меъёрдаги намлик тартибли хоналарда қўллашга фақат уларни мустаҳкамлигини таъминлаш зарур бўлгандагина йўл қўйилади;

б) ҳар хил турдаги бетондан ишланган панель ва йирик блок, шунингдек ғишт ва тош деворлар;

в) 5 ва ундан кўп қаватли биноларда, сиқилишга мустаҳкамлиги бўйича маркаси камида 150 бўлган ғишт ва тош;

г) маҳаллий табиий тош маҳсулотлар;

д) 7-қисм кўрсатмаларини ҳисобга олган ҳолда, кишки ғишт териш учун музлашга қарши химик қўшимчали қоришмаларни.

*Изоҳ.* Тегишли асослар келтирилган ҳолларда ушбу бандларга қирмаган ушбу конструктив ечим, маҳсулот ва ашеларни қўллашга йўл қўйилади.

1.3 Силикат ғишт, тош ва блок; серғовак бетондан тош ва блок; ичи буш ғишт ва сопол тош; чала қуриган ҳолатда қолипланган лой ғишларни, нам тартибли хоналарда, ичкари томон юзасига буғдан ҳимояловчи қоқлақ суртиш шарти билан қўллашга йўл қўйилади. Қайд этилган маҳсулотларни, ҳул тартибли хоналарда, шунингдек ертула ва цоқоли ташқи деворларига ишлатишга йўл қўйилади. Хоналарнинг намлик тартиби "Қурилиш иссиқлик техникаси" КМК га мувофиқ қабул қилинади.

1.4 Қурилма ва унинг қисмларини мустаҳкамлиги ва усғиворлиги тиклаш ва фойдаланишда, шунингдек ташишда ва йиғма қурилмаларнинг қисмларини урнатишда таъминланиши керак.

1.5 Қурилмаларни ҳисоблашда, КМК 2.01.07-97да келтирилган, Қурилмаларни лойиҳалаштиришда, бино ва иншоотларни жавобгарлик даражасини ҳисобга олиш қондаларига мувофиқ ишонччилик коэффициентини ҳисобга олиш керак.

1.6 Бино ва иншоотларни лойиҳалашда, уларни қиш шароитида тиклаш имкониятини таъминловчи тадбирлар кўзда тутилиши керак.

## 2 МАТЕРИАЛЛАР

2.1 Тош ва узактошли қурилмалар учун ғишт, тош ва қоришмалар, шунингдек тош ва йирик блоklar тайёрлаш учун бетонлар, тегишли ГОСТ ёки РСТ талабларини қониқтириши керак ва қуйидаги марка ёки синфлари қўлланилиши керак:

Х. Асомов номидаги Ў.ДИТТИ АЖ томонидан киритилган	Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси 1997 йил 15 декабрдаги 84-сон буйруғи билан тасдиқлаган	Амалга киритилиш санаси 1998 йил 1 январь.
--	---	--

а) тошлар - сиқилишга мустаҳкамлик чегараси буйича (гиштни эса-эгилишдаги мустаҳкамлигини ҳисобга олинган сиқи-лишга) - 4,7,10,15,25,35,50 (мустаҳкамлиги пас. тошлар-енгил бетон ва табиий тошлар); 75,100,125,150,200 (уртача мустаҳкам- гишт, сопол, бетон ва табиий тошлар); 250,300,400,500,600, 800,1000 (юқори мустаҳкам - гишт, табиий ва бетон тошлар);

б) бетонлар - сиқилишга мустаҳкамлиги буйича синфлари: оғири - В3,5; В5; В7,5; В12,5; В15; В20; В25; В30; ғовакли тулдиргичларда - В2; В2,5; В3,5; В5; В7,5; В12,5; В15; В20; В25; В30;

серғовак - В1; В2; В2,5; В3,5; В5; В7,5; В12,5;

йирикғовакли - В1; В2; В2,5; В3,5; В5; В7,5;

ғовакланган - В2,5; В3,5; В5; В7,5; силикатли - В12,5; В15; В20; В25; В30.

Исятгич қатлам сифатида сиқилишга мустаҳкамлик чегараси 0,7 Мпа (7кг/см<sup>2</sup>) ва 1,0 Мпа (10 кг/см<sup>2</sup>), булган, қушимча қатлам ва плита сифатида эса 1,0 Мпа (10кг/см<sup>2</sup>) дан кам бўлмаган бетонни қул-лашга қўл қўйилади;

в) коришмалар, сиқилишга мустаҳкамлик чегараси - 4,10,25,50,75,100, 150, 200;

г) тош маҳсулотлари, совукбардошлиги буйича - F10, F15, F25, F35, F50, F75, F100, F150, F200, F300.

2.2 Коришмалар, курук ҳолатдаги зичлиги, камида 1500 кг/м<sup>3</sup> булган оғир, 1500 кг/м<sup>3</sup> гача булган енгил.

2.3 Тош маҳсулотларнинг совукбардошлилик буйича лойиҳавий маркаси деворнинг ташки қисми (12 см қалинликда) ва пойдевор учун (хамма қалинлиги буйича), қурилмаларни мулжалланган хизмат муддатига қараб (лекин 100,50 ва 25 йилдан кам бўлмаган) 1-жадвалда келтирилган.

Изоҳ: Совукбардошлиликни лойиҳавий маркаси, пойдеворнинг юқори қисмига ишлатиладиган материаллар учун ўрнатилади (ҚМҚ 2.0201-98 "Бинолар ва иншоотлар заминлари"га мувофиқ аниқланган, грунгни мулазимини ҳисобий чуқурлигини яримгач).

1 - жадвал

Қурилмаларнинг тури	Қурилмаларни мулжалланган хизмат муддатига (йил) қараб, F нинг қийматлари		
	100	50	25
1. Биноларнинг ташки деворлари ёки уни қопламаси, хоналарнинг намлилиқ тартибига қараб:			
а) курук ва мезьерида	25	15	15
б) ним	35	25	15
в) ҳул	50	35	25
2. Пойдевор ва деворларнинг ер ости қисми:			
а) гиштик қопланган лой гиштдан	35	25	15
б) табиий тошлар	25	15	15

Изоҳлар: 1. Хамма турдаги бетонлардан тайёрланган тош блок ва панелларни совукбардошлилик маркаси "Бетон ва темирбетон қурилмаларни лойиҳалаш буйича ҚМҚ га мувофиқ қабул қилиниши лозим.

2. 1-жадвалда келтирилган совукбардошлилик маркалари пластик қопланган лой гишт девори учун қўйиладиган ҳолларда бир поғона пасайтирилиши мумкин, лекин F10 дан паст эмас.

а) курук ва мезьерида тартибдиги хоналарнинг (1а банд) ташки томонидан, 1-жадвалда келтирилган совукбардошлилик талабларини қониқтирувчи, қалинлиги 35 мм дан кам бўлмаган қоплама билан химояланган ташки деворлар учун қоплама гишт ва сопол томининг совукбардошлилиги, қурилмаларни хайма хизмат муддатлари учун F25 дан кам бўлмаслиги керак.

б) ним ва ҳул тартибли хоналарнинг (1б банд) ички томонидан ниммуҳофаза ски бугмуҳофаза қоплама билан химояланган ташки деворлари учун;

в) қимнам грунгларида қурилган, йулкали еки йулка қопламали биноларнинг пойдевор ва деворларнинг ер ости қисми учун, агар ер ости сувларнинг сатҳи, текисланган ер юзасидан камида 3 м дан паст бўлса, 2 банд).

3. Қалинлиги 35 мм дан кам, 1-бандда келтирилган қопламаларнинг совукбардошлилик маркаси бир поғонага кутарилади, лекин F50дан балинд эмас.

4. Пойдевор ва деворларни ер ости қисмига ишлатиладиган, 1-жадвал 2-бандда келтирилган тош материалларнинг совукбардошлилик маркаси, ер ости сувини сатҳи текисланган ер юзасидан 1 м дан кам паст бўлса, бир поғонага кутарилади.

5. Очик жойлардаги қурилмалар девори, шунингдек, ер ости сувлари сатҳи ўзгариб турадиган жойларда қурилган (тиргович девор, ҳовуз, тарнов, ёндама тошлар ва ш.у) иншоотларни қурилмалари тошларнинг совукбардошлилик маркаси УЗР Давархитектқурилишқуми маъқулаган ёки тасдиқлаган мезьерий ҳужжатлар буйича қабул қилинади.

6. УЗР Давархитектқурилишқуми билан келишилган ҳолда, табиий тош материалларга совукбардошлиликка синов ўтказиш талаби қўйилмаслиги мумкин, чунки улар, олинган қурниш тажрибасида ухшаш шароитларда эксплуатация қилинган, етарли даражада совукбардошлилигини қурсатдилар.

2.4 "Бетон ва темирбетон қурилмаларни лойиҳалаш" ҚМҚ га мувофиқ, тош қурилмаларни узаклаш учун:

турсимон узаклаш учун - АІ(А240) ва ВрІ синф узак қўллаш лозим;

буйлама ва кундаланг узак, узак зулфин ва боғлама учун - АІ(А240), АІІ (А300) ва ВрІ (3.19 банд курсатмаларини ҳисобга олиб) синф узаклар қўллаш лозим.

Қуйма деталлар ва бирлаштирувчи устамалар учун "Пулат қурилмаларни лойиҳалаш" ҚМҚ сига мувофиқ пулат қўлланилади.

3 ХИСОБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ҳисобий қаршиликлари

3.1 Терим қаторини баландлиги 50-150 мм, кенлиги 12 мм гача булган тирқишсимон тик бушликли ҳамма турдаги гишт ва сопол тошлардан, оғир қоришмада бажарилган деворни сиклишга ҳисобий қаршилиги 2-жадвалда келтирилган.

3.2 Оғир қоришмада, титратма гишт деворнинг сиклишга ҳисобий қаршилиги  $R_k$  3-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Гишт ёки тошнинг маркаси	Терим қаторини баландлиги 50-150 мм, кенлиги 12 мм гача булган тирқишсимон тик бушликли ҳамма турдаги гишт ва сопол тошлардан, оғир қоришмаларда бажарилган деворни сиклишга ҳисобий қаршилиги $R_k$ МПа (кг/см <sup>2</sup> ) қоришманинг ушбу маркаларида							Қоришмани мустаҳкамлиги		
	200	150	100	75	50	25	10	4	0,2 (2)	ноль
300	3,9 (39)	3,6 (36)	3,3 (33)	3,0 (30)	2,8 (28)	2,5 (25)	2,2 (22)	1,8 (18)	1,7 (17)	1,5 (15)
250	3,6 (36)	3,3 (33)	3,0 (30)	2,8 (28)	2,5 (25)	2,2 (22)	1,9 (19)	1,6 (16)	1,5 (15)	1,3 (13)
200	3,2 (32)	3,0 (30)	2,7 (27)	2,5 (25)	2,2 (22)	1,8 (18)	1,6 (16)	1,4 (14)	1,3 (13)	1,0 (10)
150	2,6 (26)	2,4 (24)	2,2 (22)	2,0 (20)	1,8 (18)	1,5 (15)	1,3 (13)	1,2 (12)	1,0 (10)	0,8 (8)
125	—	2,2 (22)	2,0 (20)	1,9 (19)	1,7 (17)	1,4 (14)	1,2 (12)	1,1 (11)	0,9 (9)	0,7 (7)
100	—	2,0 (20)	1,8 (18)	1,7 (17)	1,5 (15)	1,3 (13)	1,0 (10)	0,9 (9)	0,8 (8)	0,6 (6)
75	—	—	1,5 (15)	1,4 (14)	1,3 (13)	1,1 (11)	0,9 (9)	0,7 (7)	0,6 (6)	0,5 (5)
50	—	—	—	1,1 (11)	1,0 (10)	0,9 (9)	0,7 (7)	0,6 (6)	0,5 (5)	0,35 (3,5)
35	—	—	—	0,9 (9)	0,8 (8)	0,7 (7)	0,6 (6)	0,45 (4,5)	0,4 (4)	0,25 (2,5)

Изоҳ: Маркаси 4 дан 50 гача булган қоришмаларда бажарилган теримни ҳисобий қаршилигини, пасайтирувчи коэффициент қўллан, камайтириш керак: 0,85 - силлик қаттик цементли қоришмада (оҳак ёки лой қўшимчасиз), енгил ва оҳакли, муддати 3 ой булган қоришмаларда бажарилган терим учун; 0,9 - цементли (оҳак ёки лойсиз), органик пластификаторли қоришмаларда бажарилган теримлар учун.

Олий сифатли терим учун сиклишга ҳисобий қаршилигини камайтириш талаб қилинмида қоришма қатлам(чок) райка ичига олиб, қоришма рейка билан текислаб, зичланиши. Лойиҳада ошдий терим ва юқори сифатли терим учун қоришма маркаси курсатилади.

3-жадвал

Гиштни маркаси	Титратма гишт теримини сиклишга ҳисобий қаршилиги $R_k$ , МПа (кг/см <sup>2</sup> ) оғир қоришмаларнинг ушбу маркаларида				
	200	150	100	75	50
300	5,6(56)	5,3(53)	4,8(48)	4,5(45)	4,2(42)
250	5,2(52)	4,9(49)	4,4(44)	4,1(41)	3,7(37)
200	4,8(48)	4,5(45)	4,0(40)	3,6(36)	3,3(33)
150	4,0(40)	3,7(37)	3,3(33)	3,1(31)	2,7(27)
125	3,6(36)	3,3(33)	3,0(30)	2,9(29)	2,5(25)
100	3,1(31)	2,9(29)	2,7(27)	2,6(26)	2,3(23)
75	—	2,5(25)	2,3(23)	2,2(22)	2,0(20)

Изоҳлар: 1. Титратма столида титратилган гишт теримини сиклишга ҳисобий қаршилиги,

3-жадвал буйича, 1,05 коэффициент билан қабул қилинади.

2. Қалинлиги 30 см дан ошдиқ титратмагишт теримининг сиклишга ҳисобий қаршилиги 3-жадвал буйича, 0,85 коэффициент билан қабул қилинади.

3. 3-жадвалда келтирилган ҳисобий қаршиликлар, теримни эни 40 см ва ундан ошдиқ жойларига тегишсиздир. Уз-ўзини кўтаридиган ва юқлама кўтармайдиган декорларни айрим жойларини эни 25 дан 28 см гача бўлишга йул қўйилади, бу ҳолда теримни ҳисобий қаршилигини 0,8 коэффициент билан қабул қилиш керак.

Бетон синфи	Тош мар-каси	Терим катори баландини 500-1000 мм. ҳамма тур бетондан ясалган яхлит йирик блоklar ва табиий тош блоklar (арраланган ёки эда йунилган) теримини сиқилишга ҳисобий қаршилиги R, МПа (кг/см <sup>2</sup> )							Қоришмани мустаҳкамлиги -ги нол бўлганда
		Қоришма маркаси							
		200	150	100	75	50	25	10	
—	1000	17,9(179)	17,5(175)	17,1 (171)	16,8(168)	16,5(165)	15,8(158)	14,5(145)	11,3(113)
—	800	15,2(152)	14,8(148)	14,4(144)	14,1 (141)	13,8(138)	13,3(133)	12,3(123)	9,4(94)
—	600	12,8(128)	12,4(124)	12,0(120)	11,7(117)	11,4(114)	10,9(109)	9,9(99)	7,3(73)
—	500	11,1(111)	10,7(107)	10,3(103)	10,1 (101)	9,8(98)	9,3 (93)	8,7(87)	6,3(63)
B30	400	9,3(93)	9,0(90)	8,7(87)	8,4(84)	8,2(82)	7,7(77)	7,4(74)	5,3(53)
B25	300	7,5(75)	7,2(72)	6,9(69)	6,7(67)	6,5(65)	6,2(62)	5,7(57)	4,4(44)
B20	250	6,7(67)	6,4(64)	6,1 (61)	5,9(59)	5,7(57)	5,4(54)	4,9(49)	3,8(38)
B15	200	5,4(54)	5,2(52)	5,0(50)	4,9(49)	4,7(47)	4,3(43)	4,0(40)	3,0(30)
B12,5	150	4,6(46)	4,4 (44)	4,2 (42)	4,1(41)	3,9(39)	3,7(37)	3,4(34)	2,4 (24)
B7,5	100	—	3,3(33)	3,1(31)	2,9(29)	2,7(27)	2,6(26)	2,4(24)	1,7(17)
B5	75	—	—	2,3(23)	2,2(22)	2,1(21)	2,0(20)	1,8(18)	1,3(13)
B3,5	50	—	—	1,7(17)	1,6(16)	1,5(15)	1,4(14)	1,2(12)	0,85(8,5)
B2,5	35	—	—	—	—	1,1(11)	1,0(10)	0,9(9)	0,6(6)
B2	25	—	—	—	—	0,9(9)	0,8(8)	0,7(7)	0,5 (5)

Изоҳлар: 1. Баландини 1000 мм дан ошқ йирик блоklar теримини сиқилишга ҳисобий қаршилиги 4-жадвал бўйича, 1,1 коэффициент билан қабул қилинади.

2. Табиий тошни маркаси қилиб, ГОСТ 10180-90 ва ГОСТ 8462-85 лар талабларига мувофиқ сиқилган илдоза куб-нужасини сиқилишга мустаҳкамлик, МПа (кг/см<sup>2</sup>) чегараси қабул қилиниши керак.

3. Йирик бетон блок ва табиий тош блоklarдан, қоришмани чоки рамка ичига олиниб, рейка билан текислаб, зичланган теримини сиқилишга ҳисобий қаршилигини 4-жадвал бўйича, 1,2 коэффициент билан қабул қилиш мумкин.

Тош мар-каси	Терим катори баландини 200-300 мм. яхлит бетон, гачбетон ва табиий тошлар (арраланган ёки тоза йунилган) теримини сиқилишга ҳисобий қаршилиги R, МПа (кг/см <sup>2</sup> )									
	Қоришма маркаси								Қоришма мустаҳкамлиги	
	200	150	100	75	50	25	10	4	0,2 (2)	ноль
1000	13,0(130)	12,5(125)	12,0(120)	11,5(115)	11,0(110)	10,5(105)	9,5 (95)	8,5(85)	8,3(83)	8,0 (80)
800	11,0(110)	10,5(105)	10,0(100)	9,5 (95)	9,0 (90)	8,5 (85)	8,0(80)	7,0(70)	6,8(68)	6,5 (65)
600	9,0(90)	8,5(85)	8,0(80)	7,8(78)	7,5(75)	7,0(70)	6,0(60)	5,5(55)	5,3(53)	5,0(50)
500	7,8(78)	7,3(73)	6,9(69)	6,7(67)	6,4(61)	6,0(60)	5,3(53)	4,8(48)	4,6(46)	4,3(43)
400	6,5(65)	6,0(60)	5,8(58)	5,5(55)	6,3(53)	5,0(50)	4,5(45)	4,0(40)	3,8(38)	3,5(35)
300	5,8(58)	4,9(49)	4,7 (47)	4,5 (45)	4,3(43)	4,0(40)	3,7(37)	3,3(33)	3,1 (31)	2,8(28)
200	4,0(40)	3,8(38)	3,6(36)	3,5 (35)	3,3(33)	3,0(30)	2,8(28)	2,5(25)	2,3 (23)	2,0 (20)
150	3,3(33)	3,1 (31)	2,9(29)	2,8(28)	2,6(26)	2,4 (24)	2,2 (22)	2,0(20)	1,8(18)	1,5(15)
100	2,5(25)	2,4(24)	2,3 (23)	2,2 (22)	2,0(20)	1,8(18)	1,7(17)	1,5(15)	1,3(13)	1,0(10)
75	—	—	1,9(19)	1,8(18)	1,7(17)	1,5(15)	1,4(14)	1,2(12)	1,1(11)	0,8(8)
50	—	—	1,5(15)	1,4(14)	1,3(13)	1,2(12)	1,0(10)	0,9(9)	0,8(8)	0,6(6)
31,5	—	—	—	—	1,0(10)	0,95(9,5)	0,85(8,5)	0,7(7)	0,6(6)	0,45(4,5)
25	—	—	—	—	0,8(8)	0,75(7,5)	0,65(6,5)	0,55(5,5)	0,5(5,5)	0,35(3,5)
15	—	—	—	—	—	0,5(5)	0,45(4,5)	0,38(3,8)	0,35 (3,5)	0,25(2,5)

Изоҳлар: 1. Қураш ва иралаш қураш ёқилишдан қолган шлак қўлланилиб тайёрланган, яхлит шлакбетон тош теримини ҳисобий қаршилиги, 5-жадвал бўйича, 0,8-коэффициент билан қабул қилиниши керак.

2. Гачбетон тошларни, хизмат муддати факат 25 йилгача (2,3. башига қаралени) бўлган деворга ишлатишга йўл қўйилади; бу ҳолда теримини ҳисобий қаршилиги 5 - жадвал бўйича, ушбу коэффициентлар билан қабул қилинади: 0,7 - қуруқ иклимги жойлардаги ташқи деворлар; 0,5 - бошқа жойларда; 0,8 - ички деворлар учун. Иклимий ҳудудлар «Қурилиш иссиқлик техникаси» ҚМК га мувофиқ қабул қилинади.

3. Цемент пастаси еки ошми таркибли, чок қалинлиги 5 мм дан ошмаган қоришмаларда, улчамлар қўйими ± 2 мм дан ошмаган, текис юзали маркаси 150 ва ушдан юқори бўлган, бетон ва табиий тош теримини ҳисобий қаршилигини 5-жадвал бўйича, 1,3 коэффициент билан қабул қилишга йўл қўйилади.

6 - жадвал

Тош маркаси	Терим қатори баландлиги 200-300 мм, ичи буш бетон тош теримини сиқилишга ҳисобий қаршилиги R, МПа (кг/см <sup>2</sup> )							
	Қоришма маркаси						Қоришма мустаҳкамлиги	
	100	75	50	25	10	4	0,2 (2)	ноль
150	2,7 (27)	2,6 (26)	2,4 (24)	2,2 (22)	2,0 (20)	1,8 (18)	1,7 (17)	1,3 (13)
125	2,4 (24)	2,3 (23)	2,1 (21)	1,9 (19)	1,7 (17)	1,6 (16)	1,4 (14)	1,1 (11)
100	2,0 (20)	1,8 (18)	1,7 (17)	1,6 (16)	1,4 (14)	1,3 (13)	1,1 (11)	0,9 (9)
75	1,6 (16)	1,5 (15)	1,4 (14)	1,3 (13)	1,1 (11)	1,0 (10)	0,9 (9)	0,7 (7)
50	1,2 (12)	1,15 (11,5)	1,1 (11)	1,0 (10)	0,9 (9)	0,8 (8)	0,7 (7)	0,5 (5)
35	—	1,0 (10)	0,9 (9)	0,8 (8)	0,7 (7)	0,6 (6)	0,55 (5,5)	0,4 (4)
25	—	—	0,7 (7)	0,65 (6,5)	0,55 (5,5)	0,5 (5)	0,45 (4,5)	0,3 (3)

Изоҳлар: Кулранг ва аралаш қумир сиқилишдан қолган шлак қўлғанинб тайёрланган ичи буш шлакбетон тош, шунингдек ичи буш ганчбетон тош теримини сиқилишга ҳисобий қаршилигини.

5 - жадвалдаги изоҳларнинг 1 ва 2 баддларига мувофиқ пайсайтириш лозим.

7 - жадвал

Терим тури	Тош маркаси	Мустаҳкамлиги нисб. туғри шаклдаги (арраланган) еки тоза йўнлган) табиний тош теримини сиқилишга ҳисобий қаршилиги R, МПа (кг/см <sup>2</sup> )				
		Қоришма маркаси			Қоришма мустаҳкамлиги	
		25	10	4	0,2 (2)	ноль
1. Терим қатори баландлиги 150 мм гача булган табиний тошдан	25	0,6(6)	0,45(4,5)	0,35(3,5)	0,3(3)	0,2(2)
	15	0,4(4)	0,35(3,5)	0,25(2,5)	0,2 (2)	0,13(1,3)
	10	0,3(3)	0,25(2,5)	0,2(2)	0,18(1,8)	0,1(1)
	7	0,25(2,5)	0,2 (2)	0,18(1,8)	0,15(1,5)	0,07(0,7)
2. Шундай, қатор баландлиги 200-300 мм	10	0,38(3,8)	0,33(3,3)	0,28(2,8)	0,25(2,5)	0,2(2)
	7	0,28(2,8)	0,25(2,5)	0,23(2,3)	0,2(2)	0,12(1,2)
	4	—	0,15(1,5)	0,14(1,4)	0,12(1,2)	0,08(0,8)

8 - жадвал

Синик харсанг тош маркаси	Синик харсангтош теримини сиқилишга ҳисобий қаршилиги R, МПа (кг/см <sup>2</sup> )							
	Қоришма маркаси						Қоришма мустаҳкамлиги	
	100	75	50	25	10	4	0,2 (2)	ноль
1000	2,5 (25)	2,2(22)	1,8(18)	1,2(12)	0,8(8)	0,5(5)	0,4(4)	0,33(3,3)
800	2,2(22)	2,0(20)	1,6(16)	1,0(10)	0,7(7)	0,45(4,5)	0,33(3,3)	0,28(2,8)
600	2,0(20)	1,7(17)	1,4(14)	0,9(9)	0,65(6,5)	0,4(4)	0,3(3)	0,22(2,2)
500	1,8(18)	1,5(15)	1,3(13)	0,85(8,5)	0,6(6)	0,38(3,8)	0,27(2,7)	0,18(1,8)
400	1,5(15)	1,3(13)	1,1(11)	0,8(8)	0,55(5,5)	0,33(3,3)	0,23(2,3)	0,15(1,5)
300	1,3(13)	1,15(11,5)	0,95(9,5)	0,7(7)	0,5 (5)	0,3(3)	0,2(2)	0,12(1,2)
200	1,1 (11)	1,0(10)	0,8(8)	0,6 (6)	0,45(4,5)	0,28(2,8)	0,18(1,8)	0,08(0,8)
150	0,9(9)	0,8(8)	0,7(7)	0,55(5,5)	0,4 (4)	0,25(2,5)	0,17(1,7)	0,07(0,7)
100	0,75(7,5)	0,7(7)	0,6(6)	0,5(5)	0,35(3,5)	0,23(2,3)	0,15(1,5)	0,05(0,5)
50	—	—	0,45(4,5)	0,35(3,5)	0,25(2,5)	0,2(2)	0,13(1,3)	0,03(0,3)
35	—	—	0,36(3,6)	0,29(2,9)	0,22(2,2)	0,18(1,8)	0,12(1,2)	0,02(0,2)
25	—	—	0,3(3)	0,25 (2,5)	0,2(2)	0,15(1,5)	0,1(1)	0,02(0,2)

Изоҳлар: 1.8 - жадвалда келтирилган ҳисобий қаршилиқлар, 3 см мушдатли, 4 ва ундан юкори маркали қоришма харсангтош терими учун. Бу ҳолда қоришманн маркаси 28 кушга аниқланади. 28 куш мушдатдаги 4 ва ундан юкори маркали қоришманн теримини 8-жадвалда келтирилган ҳисобий қаршилиқни 0,8 коэффициент билан қабул қилиш керак.

2. Яссқ харсангтош теримн учун 8-жадвалда келтирилган ҳисобий қаршилиқни 1,5 коэффициентга қўзайтириш керак.

3. Ҳамма томони туғроқ билан тулдирилган нойдеворни харсангтош теримини ҳисобий қаршилигини: ҳандақ бушлиқлари сунида туғроқ билан тулдирилган теримда 0,1 МПа (кг/см<sup>2</sup>);буйлама ҳандақларда, тегилмаган туғроқли ёп четига «тираб» бажарилган ва устама қурилган теримда 0,2 (2кг/см<sup>2</sup>) га қўтариш мумкин.

Харсангтош бетон тури	Харсангтошбетонни (титратилмаган) сикилишга ҳисобий қаршилиги R, МПа (кг/см <sup>2</sup> ) бетонни тушу синфида					
	B15	B12,5	B7,5	B5	B3,5	B2,5
Синик харсанг тошли ушбу маркада	4(40)	3,5(35)	3(30)	2,5 (25)	2,0(20)	1,7(17)
200 ва ортик	—	—	—	2,2 (22)	1,8(18)	1,5(15)
100	—	—	—	2,0(20)	1,7(17)	1,3(13)
50 ёки синик гиштли	—	—	—	—	—	—

Изоҳ. Харсангтошбетон титратилмаган, сикилишга ҳисобий қаршилиги 1,15 коэффициент билан олинмиши керак.

3.3 Терим қаторини баландлиги 500-1000 мм, ҳамма тур бетондан ясалган яхлит йирик блоклар ва табиий тош блоклар (аррааланган ёки тоза йунилган) теримини сикилишга ҳисобий қаршилиги R, 4-жадвалда келтирилган.

3.4-Терим қатори баландлиги 200-300 мм, яхлит бетон ва табиий тошлар (арраланган ёки тоза йунилган) теримини сикилишга ҳисобий қаршилиги 5-жадвалда келтирилган.

3.5 Қатор баландлиги 200-300 мм, ичи буш бетон тош теримини сикилишга ҳисобий қаршилиги R 6-жадвалда келтирилган.

3.6 Қатор баландлиги 150 мм гача, табиий тош (арраланган ёки тоза йунилган) теримини сикилишга ҳисобий қаршилиги R 7-жадвалда келтирилган.

3.7 Синик харсангтош теримини сикилишга ҳисобий қаршилиги R, 8-жадвалда келтирилган.

3.8 Харсангтошбетонни (титратилмаган) сикилишга ҳисобий қаршилиги, 9-жадвалда келтирилган.

3.9 Ичи буш силикат (диаметри 35 мм гача, думалок бушликли, бушлик-лиги 25 % гача булган) калинлиги 88мм гишт ва 138 мм ли тош теримини сикилишга ҳисобий қаршилиги, 2-жадвал буйича, қуйидаги коэффициентлар билан қабул қилиш мумкин: мустаҳкамлиги нол ва 0,2 Мпа(2 кг/см<sup>2</sup>) булган қоринчаларда-0,8;

маркаси 4.10,25 ва ортик қоринчаларда - 0,85; 0,9 ва 1 тегишли равишда.

3.10 Қатор<sup>а</sup> баландлиги 150 дан 200мм гача булган оралик улчамли теримни сикилишга ҳисобий қаршилиги, 2 ва 5-жадвалда келтирилган сонларнинг ўртача арифметик қиммати сифатида, қатор баландлиги 300 дан 500 мм гача булганда-4 ва 5-жадвалда қабул қилин-

ган қийматлар уртасида интерполяциялаш билан аниқланади.

3.11 2-8 жадвалда келтирилган, теримни сикилишга ҳисобий қаршилиги, ишлаш шаронгини қуйидаги коэффициентларига кўпайтириш керак:

а) 0,8 - кесим юзаси 0,3 м<sup>2</sup> дан кам устун ва оралик денор учун;

б) 0,6 - оддий гишздан (нолекал) бажарилган, тўрсимон узакланган доира кесимли унсурлар учун;

в) 1,1 - оғир бетон ва табиий тош ( $\gamma \geq 1800$  кг/м<sup>3</sup>) дан қилинган йирик блок ва тошлар учун.

0,9 - мустаҳкамлиги буйича синфи В25 дан юқори булган автоклав серговак ва силикат бетондан ясалган блок ва тош терими учун.

0,8 - йирик говакли ва новавтоклав серговак бетонлардан ясалган блок ва тош терими учун.

Серговак бетонларни тури У3 РСТ 680-96 га мувофиқ қабул қилинади.

0,7 - Б турдаги серговак бетондан ясалган блок ва тош терими учун. Серговак бетонлар тури У3 РСТ 680-96 га мувофиқ қабул қилинади.

г) 1,15 - қоринча узок муддат давомида қотган терим учун (1 йилдан ошқ).

д) 0,85-ишкор қўшимчали қоринчада бажарилган силикат терим учун;

с) музлатиш усули билан бажарилган кишки терим учун- 33-жадвал буйича ишлаш шартли коэффициентлари  $\gamma_c / 1$  га.

3.12 Ҳар хил турдаги йирик ичи буш бетон блок теримини сикилишга ҳисобий қаршилиги, тажрибавий маълумотлар буйича урнатилади. Бундай маълумотлар булмаса, ҳисобий қаршиликларни 4-жадвал буйича, қуйидаги коэффициентлар билан қабул қилиш лозим:

0,9 - блокларни бушликлиги  $\leq 5\%$

0,5 - блокларни бушликлиги  $\leq 25\%$



0,25 - блокларни бушлиқлиги  $\leq 45\%$  бушлиқлик фойзи, урта уфқий кесим буйича аниқланади.

Бушлиқлик фойзини оралик кийматлари учун, кўрсатилган коэффициентларни интерполяция билан аяқлаш лозим.

3.13 Табiiй тош теримини 4,5 ва 7-жадвалда кўрсатилган сиқилишга ҳисобий қаршилигини қуйидаги коэффициент билан қабул қилиш керак:

0,8 - яримтексис йўнилган (10 мм гача буртик) тош терими учун.

0,7 - йирик йўнилган (20 мм гача буртик) тош терими учун.

3.14 Ҳом гишт ва гувалар теримини сиқилишга ҳисобий қаршилигини 7-

жадвал буйича қуйидаги коэффициентлар билан қабул қилиш лозим:


0,7 - қурак иқлимли жойларда ташки девор учун;

0,5 - шундай, бошқа жойларда;


0,8 - ички деворлар учун.

Ҳом гишт ва гуваларни қўллаш, мулжалланган хизмат муддати фақат 25 йилдан кўп бўлмаган бино деворлари учун рухсат этилади.

3.15 Яхлит тошлиқ, цемент-оҳакли, цемент-лой ва оҳакли қоршмаларда ба-жарилган теримни ётиқ ва тик чокларидан утувчи кесимини ҳисоблашда ўқ бўйлаб чўзилишга  $R_{10}$ , эгилиб чўзилишга  $R_{10}$ , ва эгилишда бош чўзувчи кучланишларга  $R_{10}$ , кесилишга  $R_{10}$  теримни ҳисобий қаршили- ги 10-жадвалда келтирилган.



1-расм  
Теримни боғланмиган кесими буйича чўзилиши.



2-расм  
Теримни чўзилиши:  
а) боғланадиган кесими буйича  
б) қиш штроба буйича



3-расм  
Теримни эгилишдаги боғланадиган кесими буйича чўзилиши

Қушланбандық дәлелінің түрі	Белгі-ланіші	Қорыма маркасы				Қорыма му-стақамлығы 0,2(2)
		50 ва жоқ-ри	25	10	4	
		Яқлит тошли, цемент-оқакли, цемент-лоісі ва оқакли қорыма-да бажарылған теримни ётик ва тик чоклардан ұтувчи кесимини ҳисоблашда, уқ буйлаб чўзилишга, эгилиб чўзилишга, кесилишга ва эгилишга бош чўзувчи қушланишларга теримни ҳисобий қар-шиликлари $R, M_{10}(кг/см^2)$				
А. Уқ буйлаб чўзилиш.	$R_c$					
1. Боғланмаған кесим буйи-ча, теримни ҳамма турлари учун. (мельерий боғланиш: 1-расм)		0,08(0,8)	0,05(0,5)	0,03(0,3)	0,01(0,1)	0,005(0,05)
2. Боғланған кесим буйи-ча (2-а расм):	$R_{cb}(R_{cb})$					
а) тўғри шаклли тош терим учун;		0,16(1,6)	0,11(1,1)	0,05(0,5)	0,02(0,2)	0,01(0,1)
б) харсангтош терим учун;		0,12(1,2)	0,08 (0,8)	0,04(0,4)	0,02(0,2)	0,01(0,1)
Б. Эгилиб чўзилиш.	$R_{cb}$					
3. Боғланмаған кесим буйи-ча, теримни барча тур-лари учун ва қийшиқ штроба буйи-ча(эгилишда бош чўзувчи қушланишлар 2-б расм)		0,12(1,2)	0,08(0,8)	0,04(0,4)	0,02(0,2)	0,01(0,1)
4. Боғланған кесим буйи-ча (3-расм):	$R_{cb}$					
а) тўғри шаклли тош терим учун (3-расм);		0,25(2,5)	0,16(1,6)	0,08(0,8)	0,04(0,4)	0,02(0,2)
б) харсангтош терим учун		0,18(1,8)	0,12(1,2)	0,06(0,6)	0,03(0,3)	0,015(0,15)
В. Кесилиш.	$R_{cb}$					
5. Боғланған кесим буйи-ча теримни ҳамма турлари учун (уринма боғланиш)		0,16(1,6)	0,11(1,1)	0,05(0,5)	0,02(0,2)	0,01(0,1)
6. Харсангтош терим учун боғланған кесим буйи-ча		0,24 (2,4)	0,16(1,6)	0,08(0,8)	0,04(0,4)	0,02(0,2)

**Изоҳлар:** 1. Ҳисобий қаршилиқлар, қуш йуналишига тик ёки параллель (кесилишда) бўлган, теримни узиллиш ёки кесилиш кесимининг ҳамма эҳсанга тегишли.

2. 10-жадвалда келтирилган, теримни ҳисобий қаршилиқларини, қуйидаги коэффициентлар билан қабул қилиш керак:

титратиш столида титратилган гишт терим учун, алоҳида таъсирга ҳисоблангангадеч - 1,4; пластик ҳолда қилинган лой гишдан титратилган терим учун, шунингдек, тешикли ва узунчок тешикли гишдан ва ичи буш бетон тошлардан ошдий терим учун - 1,25; лой ёки оқак қушилмаган қаттиқ цемент қорымада бажарилган титратилмаган гишт терим учун - 0,75; яқлит ва ичи буш силикат гишт терим учун - 0,7; майда (барҳон) қумида тапёрланган силикат гишт терим учун тажрибавий рақамлар буйи-ча; музлатиш усули билан бажарилган, қийшиқ терим учун - 33-жадвал буйи-ча.

(33) формула буйи-ча ёриқий очилишга ҳисоб бажаришда, барча турдаги теримлар учун, эгилиб чўзилишга ҳисобий қаршилиқни, ушбу изоҳда қўрсатилган коэффициентларни ҳисобга олмасдан, 10-жадвал буйи-ча қабул қилиш керак.

3. Тўғри шаклли гишт (тош)ни боғланиш чуқурлигини, терим қатори баландлигига нисбати бирдан кам бўлганда, теримни боғланған кесими буйи-ча эгилиб чўзилишга ва уқ буйлаб чўзилишга ҳисобий қаршилиқни 10-жадвалда қўрсатилган қаттиқликларга тенг қабул қилиниб, боғланиш чуқурлигини қатор баландлигига нисбати қийметига қуйайтирилади.

11-жадвал

Кучланишлик ҳолати тури	Белгила-ниши	Туғри шаклли гишт ва тош теримини, гишт ёки тош буйича утган боғланган кесимини ҳисоблашда, ук буйлаб чузилишга, эгилиб чузилишга, кесилишга ва эгулишдаги бош чузувчи кучланишларга ҳисобий қаршилиги R, МПа (кг/см <sup>2</sup> ) тошни ушбу миқдорларида								
		200	150	100	75	50	35	25	15	10
1. Ўк буйлаб чузилиш.	R <sub>1</sub>	0,25 (2,5)	0,2 (2)	0,18(1,8)	0,13(1,3)	0,1 (1)	0,08(0,8)	0,06(0,6)	0,05(0,5)	0,03 (0,3)
2. Эгилиб чузилиш ва бош чузувчи кучланишлар.	R <sub>1b</sub> R <sub>1w</sub>	0,4 (4)	0,3 (3)	0,25(2,5)	0,2 (2)	0,16 (1,6)	0,12(1,2)	0,1 (1)	0,07(0,7)	0,05 (0,5)
3. Кесилиш.	R <sub>1c</sub>	1,0(10)	0,8 (8)	0,65 (6,5)	0,55 (5,5)	0,4(4)	0,3 (3)	0,2 (2)	0,14(1,4)	0,09 (0,9)

*Изоҳлар:* 1. Ўк буйлаб чузилишга R<sub>1</sub>, эгилиб чузилишга R<sub>1b</sub> ва бош чузувчи кучланишларга ҳисобий қаршилиқлар терим узилиш кесими ҳаммасига тегишли R<sub>1w</sub>.

2. Боғланган кесим буйича кесилишга ҳисобий қаршилиқ R<sub>1c</sub>, фақат гик чок кесими исаси чиқариб таъинланган гишт ёки тош кесимигагина тегишли.

12-жадвал

Кучланишлик ҳолатини тури	Белгила-ниши	Ҳарсангтош бетонни ук буйлаб чузилишга, бош чузувчи кучланиш ва эгилиб чузилишга ҳисобий қаршилиги R, МПа (кг/см <sup>2</sup> ) бетонни ушбу синфида					
		B15	B12,5	B7,5	B5	B3,5	B2,5
1. Ўк буйлаб чузилиш ва бош чузувчи кучланишлар.	R <sub>1</sub> R <sub>1w</sub>	0,2(2,0)	0,18(1,8)	0,16(1,6)	0,14(1,4)	0,12(1,2)	0,1(1,0)
2. Эгилиб чузилиш.	R <sub>1b</sub>	0,27 (2,7)	0,25 (2,5)	0,23(2,3)	0,2(2,0)	0,18(1,8)	0,16(1,6)

13-жадвал

Қурилмани ўзаклаш тури	Ўзакни ушбу синфлари учун ишлаш шароити коэффицентлари γ <sub>с</sub>		
	A-I	A-II	Bp-I
1. Турсимон узаклаш	0,75	—	0,6
2. Теримда буйлама узак:			
а) чузилган буйлама узак	1	1	1
б) худди шундай, сикилган	0,85	0,7	0,6
в) букилган узак ва хомутлар	0,8	0,8	0,6
3. зулфин ва теримдаги боғламалар:			
а) маркаси 25 ва ундан юқори қоришмада:	0,9	0,9	0,8
б) маркаси 10 ва ундан паст қоришмада	0,5	0,5	0,6

*Изоҳлар:* 1. Бошқа турдаги узак пўлатлари қурилмада, ҳисобий қаршилиқлар «Бетон ва темирбетон қурилмаларни лойиҳалаш» буйича ҚМҚ да келтирилганидан ошмаслиги керак АП(А300) ёки ВрI га мутоносиб (мас, баробар).

2. Мувағиш усулида бажаришган қишқи теримда, турсимон узакланган узакни ҳисобий қаршилигини 13-жадвалда келтирилган қўшимча, ишлаш шароити коэффицентини γ<sub>с</sub> билан қабул қилиш керак.

3.16 Туғри шаклли гишт ва тош теримини, гишт ёки тош буйича утган боғланган кесимини ҳисоблашда, ук буйлаб чузилишга R<sub>1</sub>, эгилиб чузилишга R<sub>1b</sub>, кесилишга R<sub>1c</sub> ва эгилишдаги бош чузувчи кучланишларга R<sub>1w</sub> ҳисобий қаршилиги RМПа (кг/см<sup>2</sup>) 11-жадвалда келтирилган.

3.17 Ҳарсангтош бетонни ук буйлаб чузилишга R<sub>1</sub>, бош чузувчи кучланишларга R<sub>1w</sub> ва эгилиб чузилишга R<sub>1b</sub> ҳисобий қаршилиги 12-жадвалда келтирилган.

3.18. Табiiй тош теримини кучланишлик ҳолатини барча турлари учун ҳисобий қаршилигини, расмий равишда тасдиқланган тажрибавий тадқиқотлар асосида тузилган махсус курсатмалар буйича аниқлашга йўл қўйилади.

3.19 Ўзакни "Бетон ва темирбетон қурилмаларини лойиҳалаш" буйича ҚМҚ га мувофиқ қабул қилинган ҳисобий қаршилигини R<sub>с</sub> қурилмаларни ўзаклаш турига қараб, 13-жадвалда келтирилган ишлаш шароити коэффицентини γ<sub>с</sub> га қўлайтириш керак.

Қисқа муддатли ва давомли кўчдан теримни қайишқоклик ва шакл ўзгариш модули, теримни қайишқоклик хусусиятлари киришишдаги шакл ўзгариши, бўйлама кенгайиш ва ишқаланиш коэффициентлари.

3.20 Қисқа муддатли юкламаламаламдан теримни қайишқоклик модули (деформациянинг бошланғич модули)  $E_0$ :

$$E_0 = \alpha R_u \quad (1)$$

$$E_0 = \alpha R_{skv} \quad (2)$$

қабул қилиниши лозим. (1) ва (2) формулаларда  $\alpha$  - теримни қайишқоклик хусусияти. 3.21 банд бўйича қабул қилинади. Тўрсимон узакланган теримни қайишқоклик модули, узакланмаган теримникидек қабул қилинади.

Бўйлама узакланган теримни қайишқоклик хусусиятини, узакланмаган теримникидек қабул қилиш лозим.

$R_u$  - теримни сиқилишга вақтинчалик қаршилиги (мустваҳкамликни уртача чегараси)

$$R_u = kR \quad (3)$$

формула билан аниқланади.

$k$  - 14-жадвал бўйича қабул қилинадиган коэффициент;

$R$  - теримни ҳисобий қаршилигини. 2-9 жадваллар бўйича, шу жадвал изоҳларида, шунингдек 3.9-3.14 бандларда келтирилган коэффициентларни ҳисобга олиб қабул қилинади.

14-жадвал

Терим тури	Коэффициентлар $k$
1. Гишт ва тошни ҳамма тури, йирик блок, синик ҳарсанг ва ҳарсангтош бетон, титратилган гишт.	2.0
2. Серғовак бетондан ясалган йирик ва майда блоклардан	2.25

Тўрсимон узакланган теримни қайишқоклик хусусиятини формула

$$\alpha_u = \alpha \frac{R_u}{R_{skv}} \quad (4)$$

бўйича аниқлаш лозим.

(2) ва (4) формулаларда  $R_{skv}$  - қатор баландлиги 150 мм дан ошмаган, гишт ёки тош узакланган теримни сиқилишга вақтинчалик қаршилиги (мустваҳкамликни уртача чегараси):

бўйлама узакли терим учун

$$R_{skv} = kR + \frac{R_{skv} \mu}{100} \quad (5)$$

тўрсимон узакланган терим учун

$$R_{skv} = kR + \frac{2R_{skv} \mu}{100} \quad (6)$$

формулалар билан аниқланади.

$\mu$  - теримни узаклаш фоизи; бўйлама узакли терим учун

$$\mu = \frac{A_1}{A_2} \cdot 100.$$

$A_1$  ва  $A_2$  - тегишли равишда узакли ва терим кесимини юзаси, тўрсимон узакли терим учун  $\mu$  - 4.30 банд бўйича аниқланади:

$R_{skv}$  - узакланган теримдаги узакли мезоний қаршилиги, пулат А-I (А240) ва А-II (А300) синфлари учун "Бетон ва темирбетон қурилмаларни лойihalаш" бўйича ҚМҚ га мувофиқ қабул қилинади, пулатни Вр-I синфи учун эса ушбу ҚМҚ бўйича 0,6 - ишлаш шароити коэффициенти билан қабул қилинади.

3.21 Узакланмаган теримни қайишқоклик хусусияти  $\alpha$  ни, 15-жадвал бўйича қабул қилиниши керак.

Терим тури	Қайишқоқлик хусусияти $\alpha$				
	Қоричма маркаси			Қоричма мустаҳкамлиги	
	25-200	10	4	0,2 (2)	вольт
1. Йирик блоклари, оғир табиий тош ( $\gamma \geq 1800 \text{ кг/м}^3$ ) ни оғир тулдиргичларда тайёрланган оғир ва йирикговакли бетондан ясалган.	1500	1000	750	750	500
2. Тошлардан, оғир табиий тош ва харсангтошдан тайёрланган оғир бетондан ясалган.	1500	1000	750	500	350
3. Йирик блоклардан, говакли, тулдиргичли бетондан ва енгил туширгичли йирикговакли бетондан, зич силикат бетондан ва енгил табиий тошдан ясалган.	1000	750	500	500	350
4. Йирик блоклардан, серговак бетон ясалган:					
автоклав	750	750	500	500	350
ноавтоклав	500	500	350	350	350
5. Тошлардан, серговак бетондан ясалган:					
автоклав	750	500	350	350	200
ноавтоклав	500	350	200	200	200
6. Сопол тошлардан	1200	1000	750	500	350
7. Гишдан, пойли пластик ҳолда қопланган яхлит ва ичи буш, ичи бушсизликат тошлардан, тошлардан, серговак тулдиргичли бетондан ясалган ва енгил табиий тош тулдиргичли говакланган бетондан ясалган	1000	750	500	350	200
8. Яхлит ва ичи буш силикат гишдан.	750	500	350	350	200
9. Яхлит ва ичи буш, яримкурук ҳолда қопланган лой гишдан.	500	500	350	350	200

*Изоҳлар.* 1. Енгилувчанлиги  $l_0/h \leq 28$  ёки  $l_0/h \leq 8$ , (4.2 бандга қар) бўлган унсурлар учун, буйлама эгилиш коэффициентини аниқлашда, гиштиникшек қабул қилишга йул қуйилади.

2. 15-жадвалда (7-9 бандлар) келтирилган гиш теримини қайишқоқлик хусусияти  $\alpha$ , титратмағишт панел ва блоклар учун ҳам тегишлидир

3. Харсангтошбетонни қайишқоқлик хусусияти  $\alpha = 200$  га тенг қабул қилинади.

4. Енгил қоричмаша теримлар учун, қайишқоқлик хусусияти қиймати  $\alpha$  ни 15-жадвал буйича, 0.7 коэффициент билан қабул қилиш керак

5. Табиий тош теримини қайишқоқлик хусусиятини, расмий тасдиқланган, тажриба тадқиқотлари натижалари асосида тузилган, махсус курсатмалар буйича аниқлашга йул қуйилади.

3.22 Теримни шакл узгариш модули E:

а) теримни шакл узгариши, бошқа материаллар (гумбазлар тортқичларидаги зурқиқинни аниқлаш учун, кўпқатламли кесимларни сиқилган қатламларида, ҳароратдан шакл узгариш зурқиқинни, пойдевор тўсини устидаги теримни ҳисоблашда ёки тақсимловчи боғлама остидаги теримни) - қурилмаси унсурлари билан бирга ишлашдан аниқлаш шarti билан чегаравий сиқилган ҳолатда деб қаралаётган, теримдаги кучланишларни аниқлаш учун,

қурилмаларни терим мустаҳкамлиги буйича ҳисоблашда

$$E = 0,5E_0 \quad (7)$$

формула буйича қабул қилиниши керак. Бу ерда  $E_0$ - теримни (1) ва (2) формулалар билан аниқланадиган қайишқоқлик модули (бошланғич қайишқоқлик модули).

б) буйлама ва кўндаланг кучдан теримни шакл узгаришини, терим қурилмасининг унсурлар бошқа материал унсурлари билан бирга ишлаётган, статик ноини

ром тизмасидаги кучларни, тош қурил-  
масини тебраниш даврини аниқлашда

$$E = 0.8E_0 \quad (8)$$

формула буйича аниқланади.

3.23 Теримни тебрий шакл узари-  
шини, силжувчанлигини ҳисобга олган  
ҳолда

$$\epsilon = \nu \frac{\sigma}{E_0} \quad (9)$$

формула билан аниқланади;

бунда  $\sigma$  -  $\epsilon$  аниқланган кучланиш;

$\nu$  - теримни силжувчанлик таъсирини  
ҳисобга олувчи коэффициент;

$\nu=1,8$ -тик тирқишсимон бушликли  
сопол тош (тош баъандлиги 138 мм) терим  
учун;

$\nu=2,2$ -пластик ва яримқурук ҳолда  
қолипланган лой гишт терими учун;

$\nu=2,8$ -огирбетондан ясалган йирик  
блок ёки тош терими учун.

$\nu=3,0$ -силикат гишт ва тош яхлит ва  
ичи буш, шунингдек ғовакланган бетон  
тошлар ва йирик силикат блок терими  
учун;

$\nu=3,5$ -автоклав, серғовак бетон  
блоклар ёки тош терими учун;

$\nu=4,0$ -худди шундай, ноавтоклав  
серғовак бетондан.

3.24 Силжувчанлигини ҳисобга олиб,  
доимий ва узоқ мудатли юкламали те-  
римни қайишқоклик модулини  $E_0$   
силжувчанлик коэффициенти  $\nu$ -га булиб  
камайтириш керак.

3.25 Табиий тош теримини қайиш-  
қоклик модулини УзР Даврархитект-  
қурилишқуми тасдиқлаган, тажрибавий  
ташқикотлар натижалари асосида тузилган,  
махсус курсатмалар буйича қабул қилиш-  
га йул қўйилади.

3.26 Лой гишт ва сопол тош тери-  
мини киришишдан шакл узариши ҳисоб-  
га олинмайди. Киришшдан шакл узга-  
ришни қуйидаги теримлар учун:

цемент ёки силикат боғловчиларда  
тайёрланган гишт, тош, майда ва йирик  
блоклар -  $3 \cdot 10^{-4}$ ;

турли хил рудаларни бойитишдаги  
иккиламчи маҳсулотлар ва қумли серғовак  
автоклав бетондан ясалган тош ва йирик  
блоклар -  $4 \cdot 10^{-4}$ ;

худди шундай, қул, серғовак авто-  
клав бетондан -  $6 \cdot 10^{-4}$ ;

3.27 Теримни кузғалиш модулини  
 $G=0,4 E_0$ , алоҳида жамланган кучларда  
(сейсмика)  $G=0,25 E_0$  га тенг қабул қи-  
лиш керак, бунда  $E_0$ -сиқилишдаги қай-  
ишқоклик модули.

3.28 Теримнинг узунасига кенгайиш  
коэффициентини қийматини 16-жадвал  
буйича қабул қилиш керак.

3.29 Ишқаланиш коэффициенти  
17-жадвал буйича қабул қилиш керак.

16-жадвал

Теримни материа- ли	Теримни узунасига кенгайиш коэффи- циенти $\alpha$ , град
1. Яхлит, ичи буш лой гишт ва сопол тошлар.	0,000005
2. Силикат гишт, бетон тош ва блоклар ва ҳарсангтош бетон.	0,00001
3. Табиий тошлар, серғовак бетондан тош ва блоклар.	0,000008
<i>Изоҳ.</i> Узга материаллардан бажарилган теримни узунасига кенгайиш коэффициенти қийматини тажрибавий маълумотлар буйича қабул қилишга йул қўйилади.	

17-жадвал

Материаллар	Юзани ҳолатига қараб ишқаланиш коэффициенти $\mu$	
	қурук	нам
1. Терим, терим ёки бетон билан.	0,7	0,6
2. Ёғоч, терим ёки бетон билан.	0,6	0,5
3. Пулат, терим ёки бетон билан.	0,45	0,35
4. Терим ва бетон қум ёки шағал би- лан.	0,6	0,5
5. Худди шундай, қумли лой.	0,55	0,4
6. Худди шундай лой билан	0,5	0,3

4 ҚУРИЛМАЛАР УНСУРЛАРИНИ  
БИРИНЧИ ТУРУҚ ЧЕГАРАВИЙ  
ХОЛАТИ БҮЙИЧА ХИСОБЛАШ  
ЮКЛАМА КУТАРИШ КОБИЛИЯТИ  
(БҮЙИЧА)

Тош қурилмалар  
Марказий сиқилган унсурлар

4.1 Узакланмаган тош қурилмаларнинг, марказий сиқилгандаги ҳисобини қуйидаги формула буйича бажариш лозим:

$$N \leq m_p \varphi R A, \quad (10)$$

бунда

N- ҳисобий буйлама куч;

R- 2-9-жадвал буйича аниқланадиган, теримни ҳисобий қаршилиги;

$\varphi$  - 4.2 банд буйича аниқланадиган буйлама эгилиш коэффициентини;

A- унсурни кесим юзаси;

$m_p$  - (16) формула билан,  $e_{ov} = 0$  да аниқланадиган, узок муддатли юклама таъсирини ҳисобга олувчи коэффициент.

Унсурни туғрибурчакли кундаланг кесимий улчами  $h \geq 30$  см (ёки унсурларни

дар қандай кесимини инерция радиуси  $r \geq 8,7$  см) дан кам булганда, коэффициент  $m_p$  ни бирга тенг қабул қилиш керак.

4.2 Узунлиги буйича бир хил кесимли унсурлар учун, буйлама эгилиш коэффициентини  $\varphi$ , унсурнинг эгилишчанлигига қараб

$$\lambda_i = \frac{l_0}{i} \quad (11)$$

ёки туғрибурчакли яхши кесимни ушбу нисбатида

$$\lambda_h = \frac{l_0}{h} \quad (12)$$

ва теримни қайшиқоқлик хусусиятига  $\alpha$  қараб, 15-жадвал буйича қабул қилинади, турсимон узакланган терим учун - (4) формула буйича.

(11) ва (12) формулаларда

$l_0$  - 4.3 банд курсатмаларни буйича аниқланадиган, унсурнинг ҳисобий баландлиги (узунлиги);

i - унсур кесимининг энг кам радиус инерцияси;

h - туғрибурчак кесимининг энг кичик улчами.

18-жадвал

Эгилишчанлиги		Буйлама эгилиш коэффициентини $\varphi$ , теримни ушбу қайшиқоқлик хусусиятларида $\alpha$						
$\lambda_h$	$\lambda_i$	1500	1000	750	500	350	200	100
4	14	1	1	1	0,98	0,94	0,9	0,82
6	21	0,98	0,96	0,95	0,91	0,88	0,81	0,68
8	28	0,95	0,92	0,9	0,85	0,8	0,7	0,54
10	35	0,92	0,88	0,84	0,79	0,72	0,6	0,43
12	42	0,88	0,84	0,79	0,72	0,64	0,51	0,34
14	49	0,85	0,79	0,73	0,66	0,57	0,43	0,28
16	56	0,81	0,74	0,68	0,59	0,5	0,37	0,23
18	63	0,77	0,7	0,63	0,53	0,45	0,32	-
22	76	0,69	0,61	0,53	0,43	0,35	0,24	-
26	90	0,61	0,52	0,45	0,36	0,29	0,2	-
30	104	0,53	0,45	0,39	0,32	0,25	0,17	-
34	118	0,44	0,38	0,32	0,26	0,21	0,14	-
38	132	0,36	0,31	0,26	0,21	0,17	0,12	-
42	146	0,29	0,25	0,21	0,17	0,14	0,09	-
46	160	0,21	0,18	0,16	0,13	0,1	0,07	-
50	173	0,17	0,15	0,13	0,1	0,08	0,05	-
54	187	0,13	0,12	0,1	0,08	0,06	0,04	-


Илоҳид: 1. Эгилишчанлигини оралик қийматларига,  $\varphi$  коэффициентини интерполяция буйича аниқланади.

2.  $\lambda_h$  ҳисобий чегаравий қийматлардан баланд булган ҳоллар учун  $\varphi$ -коэффициентини қатъи эксцентриситетчи Номарказий сиқилганга ҳисоблашга қабул қилиш керак.

Турсимон узакланган терим учун, (4) формула билан аниқланадиган қайшиқоқлик хусусияти қиймати 20) дан кам булгани мумкин.

4.3 Девор ва устунларни буйлама эгилиш коэффициенти  $\phi$  ни аниқлашда, уларни ётиқ таянчларга таянган ҳисобий баландликлари  $l_0$ :

- а) «қўзғалмас» ошиқ-мошиқли таянчларда  $l_0 = H$  (4.а-расм);
- б) қайишқоқлик устки таянч ва биқр қисилган қуйи таянчда: бир ораликли бинолар учун  $l_0 = 1,5H$ , кўп-оралиқли биноларда  $l_0 = 1,25H$  (4.б-расм);



4-расм. Сиқилган девор ва устунларнинг баландлиги буйича  $\phi$  ва  $m_e$  коэффициентлари.

- а - қўзғалмас таянчларга ошиқ-мошиқли таянган;
- б - пастда сиқилган ва устки қайишқоқ таянч;
- в - эркин турувчи.

в) эркин турувчи қурилмалар учун  $l_0 = 2H$  (4.в-расм);

г) таянч қисмлари қисман қисилган қурилмалар учун - хатикий қисилиш даражасини ҳисобга олиб, қаида  $l_0 = 0,8H$ ,  $H$  - ораёлмалар ёки бошқа ётиқ таянчлар булганда, орасидаги масофа, темирбетон ётиқ таянчлар булганда, улар орасидаги ички масофа.

*Изоҳлар:* 1. Биқр таянчларда (6.7.6. қаранг) ва иинги темирбетон орасида деворга маҳкамланганда  $l_0 = 0,9H$ , деворларга турт томонли биқан таянганган қуйи темирбетон орасидаларда эса,  $l_0 = 0,8H$  қабул қилинади.

2. Ҳисобланаётган майдон чегарисинда юклама, унсурнинг фақат ҳуссий вазиндан иборат булса, 4.3.б-да курсатилган, сиқилган унсурнинг ҳисобий баландлиги  $l_0$  ни, 0,75- коэффициентга қаулайтириб қамайтириш керак.

4.4 Қўзғалмас ошиқ-мошиқли таянчларга таянган, ҳисобий баландлиги  $l_0 = H$  (4.3.б. қаранг) девор ва устунларнинг учдан бир баландликнинг  $l_0$  уртасидаги кесимини ҳисоблашда,  $\phi$  ва  $m_e$  ни ҳисобий

қийматига тенг қабул қилиш керак. Юнинг четки учдан бир қисмларидаги кесимини ҳисоблашда,  $\phi$  ва  $m_e$  коэффициентлар, буйлама қонун буйича таянчларда биргача катталаштирилади (4. а-расм).

Қуйи маҳкамланган ва тепаси қайишқоқ таянчли девор ва устунлар учун, уларни 0,7H баландликкача булган қуйи қисмидаги кесимини ҳисоблашда,  $\phi$  ва  $m_e$  ларни ҳисобий қийматлари қабул қилинади, девор ёки устуннинг юқори қисмидаги кесимини ҳисоблашда эса, бу қисимлар учун  $\phi$  ва  $m_e$  ни қийматлари буйлама қонун буйича биргача катталаштирилади (4. б-расм).

Эркин турувчи девор ва устунлар учун, уларни қуйи қисмидаги кесимини ҳисоблашда (0,5H баландликкача),  $\phi$  ва  $m_e$  ни ҳисобий қийматлари қабул қилинади, юқориги ярмида эса  $\phi$  ва  $m_e$  ни қийматлари буйлама қонун буйича биргача катталаштирилади (4.в-расм).

Узаро ишончли боғланган, буйлама ва қўндаланг деворларни қесишган жойлари учун  $\phi$  ва  $m_e$  ни 1 га тенг қабул қилиш мумкин. Деворлар қесишган жойдан  $H$  масофада,  $\phi$  ва  $m_e$  лар 4.1-4.3. бандлар буйича аниқланади. Тик оралик қисмлар учун  $\phi$  ва  $m_e$  лар интерполяция билан қабул қилинади.

4.5 Раҳналар билан заифлашган деворларни пардеворини ҳисоблашда,  $\phi$  коэффициентни деворни эгилувчанлиги буйича қабул қилинади.

Девор қалилигидан кам булган тор пардеворини, девор текислигида ҳисоби бажарилади, бу ҳолда пардеворни ҳисобий баландлиги, раҳнани баландлигига тенг қабул қилинади.

4.6. Юқори қисмини кесими кичкин булган поғонасимон девор ва устунлар учун,  $\phi$  ва  $m_e$  коэффициентлар:

а) деворлар (устунлар қўзғалмас ошиқ-мошиқли таянчларга таянганда - баландлиги  $l_0 = H$  ( $H$ -девор ёки устунни баландлиги, 4.3.бандга мувофиқ) буйича ва учдан бир баландликни  $H$  урта қисмида жойлашган энг кичик қесим буйича:

б) устки қайишқоқ таянчда ёки уни йуклигида - 4.3.б.га мувофиқ аниқланган ҳисобий баландлиги  $l_0$  ва қуйи таянч яқинидаги қесим буйича деворни (устунни)  $H$ , баландликли юқори қисмини ҳисоб



башда эса - ҳисобий баландлик  $l_0$  ва шу қисмининг қундаланг қесими бўйича;  $l_0$  - худди  $l_0$  га уқшаш аниқланади, фақат  $N=N_1$  да - бўйича аниқланади.

### Номарказий сиқилган унсурлар

#### 4.7 Номарказий сиқилган, узакланмаган тош қурилмағарни

$$N \leq m_k \varphi_1 R A_c \omega, \quad (13)$$

формула бўйича ҳисоблаш керак.

$A_c$  - оғирлик маркази, ҳисобий бўйлама куч  $N$  қўйилган нукта билан мос тушган ҳолатдаги шарти билан аниқланадиган, кучланишни тўғри бурчакли эпюрасида қесимни сиқилган қисми юзаси,  $A_c$  юзани чегарасини ҳолати, ана шу юзани статик моментини, унй оғирлик марказига нисбатини нолга тенглик шартидан аниқланади

тўғрибурчакли қесим учун

